

## 2019 йилда Россиядан 25 минг муслмон Ҳаж ибодатига боради



10:00 / 20.07.2019 1724

Бу рақам ўтган йилгига нисбатан 5 мингтага кўп дейди, Россия муслмонлар бошқармаси раҳбари ўринбосари Рушан ҳазрат Аббясов. Бу ҳақда [islam-today.ru](http://islam-today.ru) сайти хабар беради.

Рушан ҳазрат Аббясовнинг айтишича, диний бошқарма раҳбарларининг илтимосига кўра, Саудия Арабистони бу йил Россия учун қўшимча яна 5 мингта ўрин ажратиб берган. Шу билан Россиядан ҳажга борувчиларнинг умумий сони 25 минг 500 тани ташкил этмоқда. Россиянинг ўзида энг кўп ўринлар Доғистон, Чеченистон, Ингушетия республикаларига ажратилган. Жумладан, Доғистонга 10 мингта ўрин, Татаристонга 1800 та ўрин берилган. Москванинг ўзидан эса 2 минг киши ҳажга боради.

***Islom.uz*** портали таҳририяти